

**МЕМОРАНДУМ  
О ВЗАИМОПОНИМАНИИ  
МЕЖДУ ФЕДЕРАЛЬНЫМ АГЕНТСТВОМ ПО ДЕЛАМ  
МОЛОДЕЖИ (РОССИЙСКАЯ ФЕДЕРАЦИЯ)  
И АГЕНТСТВОМ ПО ДЕЛАМ МОЛОДЕЖИ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН В ОБЛАСТИ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ**

Федеральное агентство по делам молодежи (Российская Федерация) и Агентство по делам молодежи Республики Узбекистан,

далее именуемые Участниками,

принимая во внимание Соглашение государств-участников Содружества Независимых Государств о сотрудничестве в сфере работы с молодежью от 25 ноября 2005 года,

принимая во внимание положения Соглашения между Правительством Российской Федерации и Правительством Республики Узбекистан о сотрудничестве в области культуры, науки и техники, образования, здравоохранения, информации, спорта и туризма от 19 марта 1993 года,

учитывая Совместное обращение глав государств-членов Шанхайской организации сотрудничества к молодежи от 10 июня 2018 года,

руководствуясь взаимным желанием укреплять и развивать дружественные отношения между Российской Федерацией и Республикой Узбекистан,

подтверждая желание расширять и совершенствовать международное сотрудничество между государственными органами по делам молодежи и другими молодежными организациями,

исходя из общего стремления к укреплению двустороннего сотрудничества в сфере молодежной политики,

выражая уверенность в том, что создание тесных взаимосвязей и сотрудничества в области молодежной политики содействует углублению взаимопонимания между представителями молодого поколения Российской Федерации и Республики Узбекистан,

пришли к взаимопониманию о нижеследующем:

1. Участники осуществляют сотрудничество в сфере реализации государственной молодежной политики в соответствии с законодательством государств Участников.

2. Участники намерены содействовать развитию дружественных и партнерских отношений в области молодежной политики двух государств на всех уровнях, в частности посредством организации встреч, обмена делегациями и информацией по вопросам,

представляющим взаимный интерес, а также других форм сотрудничества, соответствующих общим целям настоящего Меморандума.

3. В рамках настоящего Меморандума Участники намерены осуществлять взаимодействие по следующим направлениям:

реализация обменных программ для молодежи, молодежных организаций и сотрудников уполномоченных государственных органов по реализации молодежной политики;

обмен информацией о событиях (форумах, съездах, симпозиумах, конгрессах, фестивалях, выставках и др.) и содействие участию представителей государств Участников в мероприятиях, проводимых на территории государств Участников;

разработка совместных программ в целях развития науки среди молодежи двух государств Участников, а также создание условий для научной деятельности;

укрепление взаимодействия в части обмена информацией и лучшими практиками в области законодательного регулирования волонтерской деятельности, мер государственной поддержки гражданских инициатив, повышения потенциала молодежных и добровольческих организаций, реализации образовательных программ, проектов и мероприятий, направленных на обмен опытом;

совместное участие в разработке и реализации долгосрочных и краткосрочных программ и планов, направленных на повышение уровня работы с молодежью;

поддержка молодежных учреждений и организаций государств Участников, а также их вовлечение в реализацию совместных проектов в области молодежной политики на международном уровне в соответствии с настоящим Меморандумом;

другие направления, представляющие взаимный интерес, по согласованию и в рамках компетенции Участников.

4.1. Участники выражают готовность оказывать взаимную поддержку в разработке специальных программ, встреч, обмене письмами или по другим формам сотрудничества, осуществляемым в рамках настоящего Меморандума. Каждый из Участников будет координировать реализацию планов и программ, связанных с выполнением настоящего Меморандума.

4.2. Представители Участников будут проводить встречи в целях мониторинга хода выполнения настоящего Меморандума и утверждения планов совместной деятельности.

5. Участники будут самостоятельно нести расходы, связанные с реализацией настоящего Меморандума, в пределах средств, предусмотренных законодательством государств Участников, если в каждом конкретном случае не будет согласован иной порядок.

6. По согласию Участников в настоящий Меморандум могут быть внесены изменения и дополнения, которые являются неотъемлемой частью настоящего Меморандума и оформляются отдельными протоколами.

7. Любые спорные вопросы, возникающие в связи с толкованием или применением положений настоящего Меморандума, разрешаются путем консультаций и переговоров между Участниками.

8. Настоящий Меморандум не является международным договором и не создает каких-либо прав и обязательств, регулируемых международным правом.

Настоящий Меморандум применяется с даты его подписания до истечения шести месяцев с даты получения одним из Участников письменного уведомления другого Участника о его намерении прекратить применение настоящего Меморандума.


Прекращение применения настоящего Меморандума не будет влиять на выполнение Участниками проектов и программ, согласованных на основании положений настоящего Меморандума и незавершенных на дату прекращения его применения.

Подписано в городе Москве « 19 » ноября 2021 года и в городе Ташкенте « 22 » ноября 2021 года в двух экземплярах, каждый на русском и узбекском языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

**За Федеральное агентство  
по делам молодежи  
(Российская Федерация)**



**За Агентство  
по делам молодежи  
Республики Узбекистан**



**Ёшлар ишлари федерал агентлиги (Россия Федерацияси) билан  
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ўртасида  
ёшлар сиёсати соҳасида  
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

Ёшлар ишлари федерал агентлиги (Россия Федерацияси) ва Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, кейинги ўринларда Иштирокчилар деб аталувчилар,

2005 йил 25 ноябрда имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига иштирокчи давлатларнинг Ёшлар билан ишлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битимни инобатга олган ҳолда,

1993 йил 19 мартда имзоланган Россия Федерацияси Ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битимнинг қоидаларини инобатга олган ҳолда,

2018 йил 10 июнда имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо-давлатлар раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожатини инобатга олиб,

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ўзаро истагига амал қилиб,

ёшлар ишлари бўйича давлат идоралари ва бошқа ёшлар ташкилотлари ўртасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва такомиллаштиришдаги ўзаро истакни тасдиқлаган ҳолда,

ёшлар сиёсати соҳасида икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган умумий интилишдан келиб чиқиб,

яқин муносабатлар ва ёшлар сиёсати соҳасидаги ҳамкорликни ўрнатиш, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг ёш авлод вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни юксалтиришга ишонч билдириб,

қуйидагилар тўғрисида ўзаро англашувга эришдилар:

**1.** Иштирокчилар ёшларга оид давлат сиёсатини ўз давлати қонунчилигига мувофиқ равишда ҳамкорликни амалга оширадилар.

**2.** Иштирокчилар икки давлатнинг ёшлар сиёсати соҳасидаги дўстлик ва шерикчилик муносабатларини барча даражаларда, хусусан, учрашувлар ташкил этиш, делегация ва ўзаро манфаатли масалалар бўйича маълумотлар алмашиш, шунингдек, мазкур Меморандумнинг умумий мақсадларига мос келадиган ҳамкорликнинг бошқа шакллари

орқали ривожлантиришга кўмаклашиш истагини билдирдилар.

**3.** Мазкур Меморандум доирасида Иштирокчилар қўйидаги йўналишларда ўзаро ҳамкорлик қилишга интиладилар:

ёшлар сиёсатини амалга ошириш бўйича ёшлар, ёшлар ташкилотлари ва ваколатли давлат органлари ходимлари учун алмашинув дастурларини амалга ошириш;

тадбирлар (форумлар, ялпи йиғилишлар, симпозиумлар, конгресслар, фестиваллар, кўргазмалар ва бошқалар) тўғрисида маълумот алмашинуви ва Иштирокчилар давлатлари ҳудудида ўтказиладиган тадбирларда Иштирокчилар вакилларининг иштирокига кўмаклашиш;

икки иштирокчи-давлат ёшлари ўртасида илм-фанни ривожлантириш, шунингдек, илмий фаолият учун керакли шароитларни яратиш мақсадида қўшма дастурлар ташкил этиш;

волонтёрлик фаолиятини қонуний тартибга солиш, фуқаролик ташаббусларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш, ёшлар ва кўнгилчилар ташкилотларининг салоҳиятини ошириш, тажриба алмашишга қаратилган таълим дастурлари, лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш юзасидан ахборот ва илғор тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

ёшлар билан ишлаш даражасини оширишга қаратилган узоқ ва қисқа муддатли дастурлар ҳамда режаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда ҳамкорликда иштирок этиш;

мазкур Меморандумга мувофиқ Иштирокчилар давлатларининг ёшлар муассасалари ва ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек ёшлар сиёсати соҳасида халқаро даражадаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга уларни бевосита жалб қилиш;

Иштирокчиларнинг ўзаро келишуви ва ваколоти доирасида ўзаро қизиқиш уйғотадиган бошқа йўналишлар.

**4.1.** Иштирокчилар мазкур Меморандум доирасида амалга ошириладиган махсус дастурлар, учрашувлар, хатлар алмашинуви ёки ҳамкорликнинг бошқа шакллари ишлаб чиқишда ўзаро кўмаклашишга тайёрлигини билдирадилар. Иштирокчиларнинг ҳар бири мазкур Меморандумни амалга ошириш билан боғлиқ режалар ва дастурларнинг бажарилишини мувофиқлаштирадилар.

**4.2.** Иштирокчилар вакиллари мазкур Меморандумнинг бажарилишини мониторинг қилиш ва қўшма тадбирлар режаларини тасдиқлаш мақсадида учрашувлар ўтказадилар.

5. Иштирокчилар мазкур Меморандумни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни, агар ҳар бир аниқ ҳолатда алоҳида тартиб келишилмаган бўлса, Иштирокчи давлатлар қонунчилигида назарда тутилган маблағлар доирасида мустақил равишда қоплайдилар.

6. Иштирокчиларнинг розилигига биноан мазкур Меморандумга, унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7. Мазкур Меморандум қоидаларини талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ юзага келадиган ҳар қандай низоли масалалар Иштирокчилар ўртасида маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал қилинади.


8. Мазкур Меморандум халқаро шартнома ҳисобланмайди ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Мазкур Меморандум имзоланган санадан бошлаб қўлланилади ва Иштирокчилардан бири бошқа Иштирокчининг мазкур Меморандум амал қилишини бекор қилиш нияти тўғрисидаги ёзма ҳабарномасини олган кундан бошлаб олти ой ўтгунига қадар амал қилади.

Мазкур Меморандумнинг амал қилишининг тугатилиши Иштирокчилар томонидан мазкур Меморандум қоидалари асосида келишилган ва унинг амал қилиш муддати тугагунга қадар бажарилмаган лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга таъсир қилмайди.


Москва шаҳрида 2021 йил «19» ноябрда ва Тошкент шаҳрида 2021 йил «22» ноябрда икки нусхада, ҳар бири рус ва ўзбек тилларида имзоланди, бунда иккала матн ҳам бир хил кучга эга.

**Ёшлар ишлари  
федерал агентлиги  
(Россия Федерацияси)  
номидан**



---

**Ўзбекистон Республикаси  
Ёшлар ишлари агентлиги  
номидан**



---